**2025 йил 04 – 08-август кунлари давомида**
**Жамғарманинг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси томонидан**
**амалга оширилган ишлар тўғрисида**

# МАЪЛУМОТ

1. Тасдиқланган мониторинг ва тарғибот жадвалига мувофиқ Бўлинма ходимлари томонидан Чилонзор туман тиббиёт бирлашмасига қарашли БТСЁМ (35, 36, 37, 38-ОП) ва 7-ШТК да мониторинг тадбирлари ўтказилди. Мониторинг тадбирлари билан бир қаторда ходимлар ва маҳалла йиғинлари фаоллари учун ПҚ-311-қарор мазмун-моҳияти ва давлат тиббий суғуртаси тизимининг афзалликлари тўғрисида тарғибот тадбирлари, шунингдек, ССВ нинг 14.03.2025 йилдаги 67а -сон буйруғига асосан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини баҳолаш тадбирлари ҳам ўтказилди. Тарғибот баёнлари ва мониторинг маълумотларни ТХСНҚБ га тақдим этилди.

2. Бўлинма томонидан ҳафта давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот тайёрланиб, Жамғарманинг Умумий бўлимига тақдим этилди.

3. Тиббиёт муассасаларида даволанган холатни мис-2 тизимига киритилиш холати таҳлил қилиниб (066 ва 066/1) ва хато камчиликка йўл қўйган ДПМ рахбарларига камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

4. Тошкент шаҳар Ғазначилик бўлимидан тиббиёт муассасаларининг ҳисоб рақамларидаги қолдиқ маблағлари тўғрисидаги маълумотлар олиниб таҳлил қилинди.

5. Тиббиёт муассасаларининг коммунал хизматлар бўйича касса харажатлари тўғрисидаги маълумотлари таҳлил қилинди.

6. Тиббиёт муассасалариининг дебитор ва кредитор қарздорликлари таҳлил қилинди.

7. Тиббиёт муассасалари шартномага мувофиқ (85-95 фоиз) август ойи учун молиялаштирилди.

8. Тиббиёт муассасаларидан ойлик иш хақи сўровлари йиғиб олинди.

9. Бўлинма ходимлари А.Якушева ва Х.Туймуродовлар Тошкент шаҳар тиббиёт муасасасаларининг 2026 йил учун Бизнес сўровларини шакллантириш мақсадида Жамғарманинг марказий аппаратига сафарбар қилиндилар.

10. Жамғарма ижро этувчи директорининг тегишли буйруқларига асосан Тиббиёт ташкилотлари билан ишлаш бўлими бошлиғи Н.Мирзаматов Тошкент шаҳар онкология марказига, Молия-иқтисодиёт бўлими бош мутахассиси Ж.Ташев Мабурий даволаш наркология шифохонасига сафарбар қилинди.

11. Топшириққа асосан, жорий йилнинг 7 август кунида 18 та дорихоналар томонидан юборган электрон ҳисоб-фактуралари ҳисоботи билан мослиги текширилиб, қабул қилинган ҳисоб-фактураси учун 1 276.1 млн сўмлик тўлов сертификат тайёрланиб, молиялаштириш ишларини амалга ошириш учун жамғармага тақдим этилди.

12. Тошкент шаҳрида Реимбурсация дастурини жорий қилиш бўйича 6 ойлик маълумот ва унинг тақдимоти тайёрланди.

13. EDO.IJRO.UZ Ижро интизоми идоралараро электрон тизими орқали келиб тушган хужжатлар кўриб чиқилиб ижроси таъминланди.

**Жамғарманинг Тошкент шаҳар**
**ҳудудий бўлинмаси бошлиғи в.б** **Б.Мўминов**